

Хар ернинг авом халки ўзи хакикат ва мохиятини англамагон холда динга нақадар эҳтиром қўзи ила караса, эскидан колгон русум ва одатларга ҳам шул нисбатда эҳтиром ва эътибор ила қарайдир. Хатто авом халкининг қўбиси диннинг амр ва наҳйлариндан юздан бирига амал қилмагон холда, ота-боболаридан колгон урф ва одатлардан четга чиқмаслик учун бор қучи ила тиришадир. Баногоҳ, бирор ишини урфга мувофиқ суратда қилолмаса, «ёру дўстларим орасинда беобрўй бўлдим», деб қайгурадир ва ўзини нажотсиз санайдир.

Мана, биз Туркистон халки ҳам илмсизлигимиз сабабли турли маросим ва одатлар юки остинда эзилиб, мунинг учун ахлокий ва молий жихатдан гоят қўб зарарлар қўрмак-да бўлгон бир миллатмиз. Бизларни ўзига асир этиб олгон урфлардан энг қўб зарарли ва ёмонроғи хатна, никохтўйлари билан аза маросимидир. Бизнинг халқ «мол ва жон кетса кетсун, обрўи кетмасун», деб хатна ёки никох ва ё аза маросимини ўрунга кетурмак учун қўлларинда бор нарсаларини 1-2 кунда барбод этадилар, қарздор бўлалар. Қарзларини адо эта олмагач, охири, «молни одам топар, одамни мол топмас», деб ўз бог ва ховлиларини сотиб, қарзла-рига бералар. Шул йўл билан бир ёқдан мол ва мулклариндан айрилиб дарбадар ва хору зор бўлалар. Иккинчи ёқдан хакикий обрўйлариндан ажралиб охиратга сафар эталар.

Биз Туркистон фақир халки неча йиллар Русиянинг золим ва мустабид қорларининг қўли остинда асир бўлуб, ҳеч бир жихатдан ўз ахлоқимизни ислох эта олмадик. Эски ҳукуматнинг биринчи мақсади ҳам, ўз қўл остиндаги ғайри рус миллатини жаҳолат ва одати мазаррат остинда эздуриб охири руслашдирмок эди. Эмди андай ҳукумат бизнинг бошимизда йўқ. Ҳозирда ҳокимият фақир халқнинг ўз қўлиндадир. Ушбу вақтда Туркистон фақир халки ўзининг илмий ва ижтимоий ҳолларини на тариқа ислох ва тараккий этдирмакчи бўлса, ихтиёри ўзиндадир. Бу тўғрида ҳеч қим анга монё бўлолмайди. Балки ҳар қим ёрдам беради. Мана, ушбу яхши фурсатни ганимат билиб илмий, ижтимоий ҳолларимизни ислох этмак, яъни чин илм ва маорифдан баҳра олмок ва ўз орамиздаги ёмон одатларни барҳам бермак барчамизга лозимди. Биз юкорида ҳам айтдиким, ҳозирда бизнинг устимизда даҳшатли суратда ҳукмфармо бўлгон урф ва одатларнинг энг қўб зарарлироғи хатна, никох тўйлари билан аза маросимидир. Бу маросимнинг баъзи ёмонроғини барҳам бермак ва баъзисини ислох этмак керакди. Ушбу кунларда Тошкандда, мусулмон шўроси ҳам шул урф ва одатларни ислох этиб бир қарорнома нашр этдиким, маҳаллий газеталарда ўқулди. Бизнинг фикримизча, хатна, никох тўйлари билан аза маросимини ушбу равишда ислох этмак тевишди.

## ХАТНА ТЎЙИ

Бизнинг туркистонлилар хатна тўйига кўб ахамият бериб, бир кундан 5-6 кунгача тўй килалар. «Базм», «кўбқари»лар бералар ва бу йўлда мингларча сўмни исроф ва барбод эталар. Холбуки, бу одат бизнинг Туркистондан бошқа ўлкалардаги мусулмонларда йўқдир. Арабистон, Миср, Истанбул, Кафказ, Татаристон ва Эрон мусулмонлари болаларининг хатнаси учун тўй бермайлар, лоакал бир неча кишини чакириб зиёфат ҳам килмайлар. Факат пайгамбар суннати бажо кетурмак ила иктифо эталар. Бизларнинг ҳам бу тўғрида аларнинг йўллари ила боришимиз керакдир. Хатна учун канча акчалар исроф этиб, тўй ва кўбқари бермак хожат эмасдир. Хатто хатна муносабати ила бола учун янги кўрпа-ёстуклар ёки турли рангда неча кабат янги кийимлар хозирламак ортикчадир. Мундан бошқа мумкин кадар болаларни кичиклик вақтинда янги усул ила хатна килмок керакдир.

## НИКОХ ТЎЙИ

Никох тўйинда икки турли ёмон одатимиз борким, алардан бир кисмининг ахлокий жихатдан, иккинчи кисмининг молий жихатдан кўб зарари бордир. Мана шул урфу русумларнинг баъзисини бутун бархам бермак ва баъзисини ислох этмак лозимдир. Никох тўйи зохиран бизнинг кўзимизга бир тўй каби кўрунса ҳам, лекин хакикатда ўзи беш тўйдир. Чунки, «Нон шиканон» (синдириш-Н.Н.), «Фотиха», «Никох», «Рўйи бинон» (юз очди-Н.Н.) ва «Домод талабон» (куёв чакирди-Н.Н.)нинг хар каюси бир тўйдирким, буларга мингларча сўм исроф бўладир. Бу тўйлардан «никох» ва «рўй бинон»дан бошқалари ортукдир. «Нон шиканон»га 3-4 кишидан зиёда одам юбормак хожат эмас. Ўшандок «никох» ва «рўйи бинон» тўйларига ёру дўст ва кариндошлардан 30-20 дан ортук кишиларни чакирмаслик керакдир. Баъзи кишиларга тўн кийгизмак, тўйдан нон ва

ширавор олиб кетмак бархам бўлсун.

Хотунларга ҳам олиб кетмаклари учун тузу нон ва киши бошига бир табакдан ош берилмасун. Никох тўйинда куёвдан «шохи улог», ёғ пули ва шунга ўхшаш нарсалар олинмасун. Падар вакил ва шохидларга тўн бермак, кизни «вакиллигингни бер», деб кийнамок ва йиглатмок, имом хутба ўкугон чоғда куёвнинг кийиминдан игна ўтказмок, никохдан кейин куёвга кийимлар кийгузмак, «пойандоз» тутмок, кизни ўтга айландируб, анинг олдинда бир неча хаёсиз кишиларга кабих алфозли ашулалар ўкутдируб куёвнинг уйига элтмак каби ёмон урф ва русумлар манъ этилсун. Куёв ўз кийимини ўз уйига кийиб келсун. Келинни ароба билан узатмак мувофикдир. Куёвнинг уйинда келинни олов атрофиндан айландирмак мажусийлардан колгон бир одатдирким, муни бархам бермак керак. Никох кечаси 15-20 хотун-кизлар ётгон бир уйда куёвнинг келин билан бирга ётмоги катта айб ва ахлоксизликдурким, бу одатдан қўл тортмок лозимдир. «Рўйи бинон» куни куёвнинг акрабоси бўлгон хотун-кизларнинг келинни хадя «дастовез»лар билан кўрмаклари ва келиннинг аларга «кийити» номи ила калпок, белбоғ ёки кўйлак-иштон бериши ортикча таклиф бўлгони учун бархам бўлсун. «Домод талабон»га куёвнинг ўзи 3-4 киши билан бирга борса кифоя этадур. Никох тўйдан илгари хар бир ийдда киз тарафиндан куёвга «таги жога» исмила кийим ва дастурхон такдим этиши ёки куёв тарафидан кизга шунга ўхшаш нарсалар юбориши хожат эмасдир.

Никох тўйиндан илгари киз ҳам куёв тарафиндан хозирланатургон кийим ва уй асбобларига келганда: бу тўғрида бизда ортикча масориф кўбдирким, буларни ислох этмак керакдир. Мисол, куёвнинг акчаси ила киз тарафидан тайёрланатургон «кашида»ларининг кўбиси бўғча ва сандикларда чуруб ётатургон кераксиз нарсалардирким, булардан ёлгуз бир донадан «белбоғ», «жойнамоз», «сўзана», «рўйжо» ва «болишпўш» хозирлаб, бошкаларини бархам бермак лозимдир. Кизга хар бир кийимдан 7-8 хил тайёрламок керак эмас. Бу тўғрида куёв ўз холига караб ишласун. Яъни кучи етса кўброк, бўлмаса озрок кийим олиб берсун. Андай кераксиз нарсалар ўрнида уй ва тирикчиликка керакли асбоблар хозирлансун (мисол, кўрпа, ёстук, гилам, таом асбоблари ва шунга ўхшаш зарур нарсалар). Бу тўйлар-да «базм» килиб жувонлар ўйнатмокга йўл берилмай, аммо дутор, танбур ва доира чалмок, ашула ўкумок мумкин бўлсун. Тўй хар вақт бекорлик чоғда, яъни халқ хизматдан бўшагон вақтда бўлсун.

Булардан бошка яна бир нозук нукта борким, тўйдан илгари мана шунга диққат этмак тевишдир. Ул нукга эса кизнинг ризолигини олмокцир. Хозирда бизнинг мусулмонлар ёлгуз ўз ихтиёрларинча кизларини куёвга бералар. Хатто баъзи виждонсизлар ўз кизларини бойларга сотиб юборалар. Мана шу зулм ва хиёнатларга йўл бермаслик керакдир. Кизни куёвга берилур экан, энг аввал бу тўғрида кизнинг ризолигини билмак керакдир. Кизни ризолигиндан бошка куёвга бермак шаръан ва конунан манъдир. Бу ҳақда гоят диққат ва эътибор ила ҳаракат этмак керакдир.

## ЎЛУК ВА ТАЪЗИЯ МАРОСИМИ

Ўлук ва таъзия тўгрисинда ҳам ёмон урф ва русумларимиз кўбдир. Чунончи, кабр устинда халкга «йиртиш» бермак, кўлга таёк олиб баланд товуш ила йигламок, ўлукнинг акрабоси бўлгон хотунларга аза тутмок учун кўк ва кора кийимликлар бермак, хотун-кизларнинг «гўянда» ва «садр» ила баланд йигламоклари, «уч», «етти», «йигирма», «кирк», «йил» кунларинда халкга ош бермак. Мана ушбу беҳуда одатларнинг барчасини бархам бермак керакдир. Аммо мазкур кунларда ўлукнинг рухига хатми Куръон, дуо ва фотиҳа килмокдан зарар йўк. Шунга ҳам 3-4 кишидан зиёд одамларни чакирмаслик керакдир. Ўлукнинг энг якин хотун-киз акрабоси 40 кундан зиёд аза тутмай, 40 кундан сўнг азалик кийимини ташласа лозим.

Тўй ва аза хусусинда бизнинг фикримизга келган нарсалар шулардан иборатдир. Бу урф ва одатлар шаҳар халкига махсус бўлиб, аммо уезд ва сахро халкининг бу тўғридаги одатлари бошқачадирким, биз андан бутун хабардор эмасмиз.

Энди уезд ва шаҳар шўролари ила мусулмон иштирокиюн фиркасиндан ўтинамизким, ушбу маросим ва одатнинг ислохи хусусинда кенгашлашиб яхши қарорлар чиқарсунлар. Ва ўшал қарорномалариндан бир неча минг бостуруб, халқ орасинда тарқатсунлар эди. Шундай қарорномага амал қилмагон тўй ва аза эгалари билан гузар комитетларини масъулиятга тортиб, аларни қаттиқ жазоларга маҳкум этсунлар эди.

*«Мехнаткашлар товуши» газетаси, 1919 йил, 22 март*